



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz



ХДП ТАШАББУСИ



АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ – ЯНГИ ДАВР ТАЛАБИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, «Оқила аёллар» ҳаракати ҳамда илмий-тадқиқот институтлари ҳамкорлигида кенг форматда ўтказилган давра суҳбати “Аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш: мавжуд имкониятлар ва муаммолар” мавзусига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари, ҳамкор ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Хотин-қизлар жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳисобланади. Оиладаги юксак қадриятларга асосланган иқлим, болалар тарбияси биринчи галда онага боғлиқ бўлгани каби жамият ҳаётининг барча жабҳасида умуминсоний қадриятлар устун бўлиши, миллат генофондининг соғломлиги, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги аёллар фаоллигига, инчунун, уларнинг сиёсий жонбозлигига узвий боғлиқ.

► (Давоми 4 ва 5 бетларда)

ЯЛПИ МАЖЛИС

ДЕПУТАТЛАР ЙИҒИЛДИ парламент минбарида қандай масалалар муҳокама этилди?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси юртимиз тараққиёти учун муҳим қарорлар қабул қилишда давом этмоқда. Кеча бўлиб ўтган ялпи мажлисда ҳам жамиятимиз учун керакли ва муҳим қонунлар, ташаббуслар муҳокама этилди. Айрим қонунлар тақомиллаштириш мақсадида қўмитага қайтарилди.

АҲОЛИНИ ШОВҚИННИНГ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Мажлисда дастлаб “Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан

ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар, қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзолари ва соҳа мутахассисларининг таклифлари асосида иккинчи ўқишга тайёрланган ва тақомилига етказилган.

Хусусан, лойиҳа билан фуқароларнинг оқошишталлиги ва нормал дам олишини бузишга йўл қўйилмайдиган вақтлар оралигини амалдаги етти соатдан (соат 23:00 дан 06:00 гача) саккиз соатга (соат 23:00 дан 07:00 гача), дам олиш кунлари ва қонунчилик билан белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари эса соат 22:00 дан 09:00 гача бўлган вақт оралиғига ўзгартириш таклиф этилмоқда. Ушбу вақт оралиғида

фуқароларнинг оқошишталлиги ва нормал дам олишини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтириляпти.

Шунингдек, аҳоли истиқомат қиладиган кўп квартирали уйларида шовқиннинг йўл қўйиладиган даражасидан ошадиган қурилиш ва таъмирлаш ишларини иш кунлари соат 09:00 дан 18:00гача амалга ошириш мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда.

Муҳокамаларда депутатлар бир қатор саволларни ўртага ташлади. Айрим нормаларни қайта кўриб чиқиш ва тақомиллаштириш зарурлиги айтилди.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳасини маромига етказиш мақсадида масъул қўмитага қайтарилди.

► (Давоми 2-бетда)

МУНОСАБАТ

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ –

ислохотлар замиридаги
бош мақсад



Ўтган ҳафтада мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган энг муҳим воқеалардан бири, албатта, Наманган шаҳрида ташкил қилинган “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми бўлди. Унда жаҳон миқёсида 30 дан ортиқ нуфузли ташкилот ва халқаро экспертлар иштирок этди.

Камбағаллик, моҳиятан қараганда, инсон ҳуқуқлари бузилишининг ёрқин мисоли. Кафолатланган иш жойи йўқлиги, турмуш даражаси пастлиги (уй-жой, санитария, коммунал шароитнинг ночорлиги), соғлом овқатланиш, сифатли таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш борасида имкониятларнинг чегаралангани шахсларнинг фаровон ҳамда бахтли яшашдек олий ҳуқуқига дахл қилади. Афсуски, бугун дунё бўйлаб бундай ҳуқуқдан маҳрум инсонлар сони ошиб бормоқда. Агар беш йил олдин сайёрамизда 650 миллион аҳоли камбағалликда яшаган бўлса, бугун улар сафи 800 миллион нафардан ортиди. Ўтган йили БМТнинг 17 октябрь – Халқаро қашшоқликка барҳам бериш кунига бағишлаб эълон қилган ҳисоботида камбағалларнинг ярмидан кўпи 18 ёшгача бўлган болалар экани, юз миллионлаб инсонларнинг тегишли уй-жойи ҳам йўқлиги келтирилган. Шу билан бир қаторда 2024 йил ҳолатига 76 та давлат қашшоқликни камайитиришга муваффақ бўлгани баён қилинади.

► (Давоми 3-бетда)

ЎЗХДП БАЁНОТИНИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАДИ

2025 йил 1 октябрдан бошлаб мамлакатимизда мопед ва скутер ҳайдовчилари учун янги талаблар кучга кириши режалаштирилмоқда.

Бундан бир неча кун аввал Ички ишлар вазирлиги мопед ва скутер ҳайдовчилари 1 октябрга қадар ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишлари, улар бошқарувидаги транспорт воситалари эса давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши лозимлиги ҳақида огоҳлантириш билан чиқди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



► (Давоми 6-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС



ДЕПУТАТЛАР ЙИҒИЛДИ

парламент минбарида қандай масалалар муҳокама этилди?

► (Давоми. Боши 1-бетда)

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ: ҚУЛАЙЛИК ВА СИФАТ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Ялпи мажлисда шунингдек, автомобиль йўллари ривожлантириш ва уларни янада сифатли қилишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Таъкидландики, “Автомобил йўллари тўғрисида”ги қонун лойиҳасида “автомобиль йўллари режалаштириш” механизмининг жорий этиш, йўл инфратузилмасини аҳоли ва иқтисодиётнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларига мос равишда ривожлантириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, йўллари лойиҳалаштиришда аҳоли фикри ва атроф-муҳитга таъсирини инобатга олиш ҳамда пиёдалар учун тўсиқсиз муҳитни яратиш бўйича қатъий талаблар ўрнатиляпти.

Лойиҳада коммуникация тармоқларини қуришда йўлларнинг аввалги ҳолатини тиклаш харажатларини қоплаш шарти ҳам киритил-япти. Йўлларда катта ҳажмли ва оғир вазнли транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тартибга солиняпти. Қолаверса, ажратилган ва йўл бўйи минтақаларида хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштиришга оид талаблар белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси билан пулли йўллар тармоғини барпо этишнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилляпти. Пулли автомобил йўлларини қуришга фақатгина муқобил бепул ҳаракатла-ниш йўли мавжуд бўлгандагина рухсат бери-лиши тақлиф этиляпти.

Шу билан бирга, пулли автомобиль йў-лидан ҳаракатланиш учун тўлов миқдори автомобиль йўллари фойдаланувчиларининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари қаноатлан-тирилишини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган бўлиши лозимли-ги назарда тутиляпти.

Мажлисда қонун лойиҳасини иккин-чи ўқишга тайёрлаш давомида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, тақлифлар инобатга олиниб, ҳужжат матни тақомилига етказилгани алоҳида қайд этилди.

Лойиҳада белгиланаётган нормалар йўл сифатини яхшилаш орқали мавжуд автомо-бил йўллари тармоғини узоқ вақтгача соз ҳолда сақлаб туриш, пулли йўллар тармоғи-ни барпо этиш, соҳага тўғридан тўғри хори-жий инвестицияларни жалб қилишга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ УЧУН ЯНГИ ТАРТИБ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лой-иҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Лойиҳада жисмоний ва юридик шахслар-нинг мурожаатларини кўриб чиқиш меха-низмларини янада тақомиллаштириш, ин-теллектуал мулк объектлари ҳамда уларнинг товар белгисига бўлган ҳуқуқларнинг муҳофа-за қилинишини кучайтириш тизимини ривож-лантириш назарда тутилмоқда.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лой-иҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни-да депутатлар берган тақлифлардан келиб чиқиб, ҳар хил ёндашувларнинг олдини олиш, қонун нормаларининг аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида айрим ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган товар ишлаб чиқа-рилган жой номи эканлигини билдирадиган огоҳлантирувчи тамга шаклини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар-нинг мурожаатларини қабул қилиш жараён-лари шаффофлигини таъминлаш ва қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида “ишонч те-лефони” тушунчаси аниқлаштирилди. Давлат

органлари ва ташкилотлари томонидан келиб тушадиган мурожаатларни марказлаштирил-ган ҳолда қабул қилиш учун салл-марказлар фаолиятини йўлга қўйиши мумкинлиги белги-ланди.

Бундан ташқари, депутатларнинг тақлифлари асосида электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурга ва маълумотлар базасига доир гувоҳномага ўзгартиришлар киритиш бўйича белгилани-ши тақлиф этилган давлат божлари миқдори камайтирилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши дав-лат органлари ва ташкилотлари фаолиятида ҳуқуқий аниқлик ва барқарорлиқни таъмин-лаш, мурожаатлар билан ишлаш жараёни тез-кор ва шаффоф бўлишига, интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқий муҳофаза даражасининг ошишига, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояга бўлган ишончи мустаҳкамланишига хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ХАВФСИЗ МУҲИТ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томони-дан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаси фуқароларимизнинг осойишталигини таъмин-лашга хизмат қилади.

Ушбу қонун лойиҳаси билан бу каби ҳуқуқбузарликларни такроран содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

Шунингдек, оилавий (маиший) зўравон-лик жиноятини содир этган шахсларга қурол олиш ҳуқуқини бермаслик ҳамда болаларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсларда мавжуд қуролларни ички ишлар органлари то-монидан вақтинча олиб қўйиш тартиби жорий этилмоқда.

Тақлиф этилаётган яна бир муҳим ўзгариш — наркологик касалликка чалинган шахслар-ни мажбурий даволаш тартиби билан боғлиқ бўлиб, қонун лойиҳасида бир марта маъмурий жавобгарликка тортилган, наркологик касал-ликка чалинган шахс ҳам суд қарори билан даволаанишга юборилиши мумкинлиги назарда тутиляпти.

Мажлисда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул кўмита томонидан бир қатор ишлар амалга оширилга-ни, ҳужжат матни сиёсий партиялар фракция-лари ва депутатларнинг тақлифлари асосида маромига етказилгани қайд этилди.

Хусусан, олис ҳудудларда наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослашти-рилган туманлараро тиббий комиссияларни тузиш тартиби ҳамда ушбу комиссияларнинг фаолият тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланиши аниқлаштирилгани алоҳида таъкидланди.

Қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятларнинг олдини олиш, маҳаллаларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини янада са-марали ҳимоя қилишга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ЧОРАЛАР

Мажлисда давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қа-ратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175⁹-моддасига ком-плекс экспертизадан ўтказилиши лозим бўлган давлат харидларини амалга ошириш бўйича тўғридан-тўғри шартномаларни комплекс экс-пертизадан ўтказишни таъминламаган ман-сабдор шахсларга нисбатан жавобгарликни белгилашга қаратилган қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Муҳокамада депутатлар ҳозирги кунда

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, хусусан, давлат бюртмачилари томо-нидан харид ҳужжатларини ишлаб чиқиш, етказиб берувчиларга талабларни белгилаш, ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва рақо-бат муҳитини таъминлаш ишларини амалга оширмасдан тўғридан тўғри шартномалар тузиш ҳолатлари учраб турганлигини салбий баҳоладилар.

Мажлисда давлат харидлари соҳасида тўғридан тўғри шартномаларни комплекс экспертизадан ўтказмаслик ҳолатларининг ол-дини олиш ҳамда бунга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик масалалари тартибга солинаётгани атрофлича муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан бу каби ҳуқуқбузарликларни такроран содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

Депутатлар қайд этганидек, қонун лой-иҳаси билан белгиланаётган нормалар дав-лат харидларини амалга ошириш жараёнида шаффофлик ва қонунийликни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ТАБИАТНИ АСРАШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Табиат – бизнинг ҳаётимиз манбаи. Бугун атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини асраш масаласи ниҳоятда долзарб. Шунинг учун уларни муҳофаза қилиш бўйича янги чоралар белгиланмоқда.

Мажлисда атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсим-лик дунёсининг муҳофазасини кучайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш-ни таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасида автоматик монито-ринг станциялар маълумотларини ягона геоах-борот маълумотлар базасига реал вақт режи-мида киритишни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган нормалар белгиланяпти.

Ўрмон фонди ерларини қонунга ҳилоф равишда бериш ва уларда бино-иншоотлар ва иморатларни қуриш, қўп квартиралари уйга туташ тўпроқли ва (ёки) яшил қопламали ер участкасини ўзбошимчалик билан бетон-лаштириш, шунингдек, ушбу ер участкасида қурилма ва конструкцияларни ўрнатганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Мажлисда депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратига алоҳида эътибор қаратиб, унда назарда тутилаётган айрим нор-малар бўйича бир қатор саволларни ўртага ташлашди. Ташаббускорлар томонидан берил-ган барча саволларга атрофлича тушунтириш-лар бериб ўтилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилини-ши экологик вазиятни янада яхшилаш, атмо-сфера ҳавоси мусоффолигини таъминлаш, ҳай-вонларга шафқатсиз муносабатда бўлишнинг олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳуқуқий кафо-латини яратишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

СУВ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА ҚАНДАЙ ЖАВОБ БЕРДИ?

Қонунчилик палатасининг 2025 йил 9 сентябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Сув ҳўжалиги вазири Ш.Ҳамраева сув ресурслари-дан самарали фойдаланиш, сувни тежай-диган суғориш услублари ва технологияла-рини жорий этиш ҳамда магистрал ва ички каналларни бетонлаштириш ишларининг бориши тўғрисида парламент сўрови юбо-рилган эди.

Қуйи палатанинг навбатдаги мажлисида депутатлар мазкур парламент сўровига юбо-рилган жавобни атрофлича кўриб чиқишди.

Парламент сўрови жавобига келтирили-шича, мамлакатимизда сув тежовчи техноло-гиялардан фойдаланиш қароврини кенгайти-риш мақсадида сув тежовчи технологиялар-ни жорий этишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун қишлоқ ҳўжалиги

махсулотлари ишлаб чиқарувчиларига имти-ёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш механизмлари йўлга қўйилган.

Республикада жами 2,6 млн. гектар май-донларда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган бўлиб, 2025 йилда 101 минг гек-тарда томчилатиб, 29 минг гектарда ёмғир-латиб ҳамда 13,6 минг гектарда дискрет суғориш йўлга қўйилган ва 444 минг гектар майдонда лазерли текислаш ишлари олиб борилган. Бунинг натижасида 2 млрд куб метр сув иқтисод қилинишига эришилган.

2025 йилда пахта майдонларида томчи-латиб ва дискрет суғориш технологиясини жорий қилган қишлоқ ҳўжалиги махсулот-лари етиштирувчиларини қўллаб-қувват-лаш мақсадида 189,8 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратиб берилган. Соҳада сув тежовчи суғориш технологияси жиҳозларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони 60 тани ташкил этиб, маҳаллийлашти-риш даражаси 80 фоизга, йиллик ишлаб чиқариш қуввати эса 250-300 минг гектарга етказилган.

Бу эса, бутловчи қисмларнинг таннархи-ни хориждан ташиш харажатларини тежаш ҳисобига 15-20 фоизгача пасайтириш ёки гектарига 5-7 млн. сўмга арзонлаштириш, импорт ўрнини босувчи сифатли махсулот-лар ишлаб чиқариш ҳамда ички бозор тўлиқ таъминланиб, қўшни давлатларга экспорт қилиш имконини бермоқда.

Шунингдек, ҳудудларда сув тежов-чи суғориш технологиясини жорий этиш бўйича кенг кўламли тарғибот ишлари ҳам олиб борилган. Тарғиботларда қо-нунчиликдаги имтиёزلарга тўхталиб, унга кўра сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонлар учун сув солиғидан 30 фоиз имтиёз қўлланилиб, ушбу ер май-донлари беш йил муддатга ер солиғидан озод қилинган.

Қайд этилганидек, республикада суғо-риладиган ер майдони 4,3 млн. гектарни ташкил этиб, мавжуд сув ресурсларининг ўртача 90 фоизи қишлоқ ҳўжалигида, қолган 10 фоизи эса коммунал-маиший, саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида фойда-ланилмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз-да қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғоришга хизмат қиладиган 173,5 минг км суғориш тармоқлари мавжуд.

Бундан ташқари, 2024 йилдан бошлаб сув йўқотишларни камайитириш мақсадида каналларни бетонлаштириш ишлари жадал ташкил қилиб келинмоқда. Хусусан, 2025 йилда давлат бюджети маблағларни ҳисо-бидан 95 та лойиҳа доирасида 518,7 км каналлар бетонлаштирилган, 25,3 км лоток ўрнатилган, 49,1 км ёпиқ суғориш тармоқла-ри қурилган ва реконструкция қилинган. Кластер ва фермер ҳўжаликлари томонидан ҳам 18 минг км ички суғориш тармоқлари бетонлаштирилган.

Парламент сўровига вазирлик жавоби-да сувни тежайдиган технологияларнинг таннархини камайитириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда сифатни яхшилаш, сервис хизматини кенгайтириш, соҳага ажратилаётган субсидиялар, бетонлаштириш ишларининг самарадорлиги ҳамда фермер ҳўжалиқларининг бетонлаштириш ишлари-ни рағбатлантириш масалаларида амалга оширилаётган ишлар ҳолати батафсил баён этилган.

Мажлисда парламент сўровига жавоб маълумот учун қабул қилинди.

Мажлисда, шунингдек, энергетика вази-ри Ж.Мирзамахмудовга “Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, шу жумладан, қуёш панелларини ўрнатиш бора-сидаги ишлар кўламини кенгайтириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида” парламент сўрови юборилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазири Ш.Ҳидоятова ҳам “Кўп квартиралари уйларга туташ ҳудудлардаги яшил майдон-ларни, болалар ўйингоҳларини ва спорт майдончаларини бошқарув сервис компа-нияларига бириктириш, бу борадаги қонун-бузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғриси-да” парламент сўрови жўнатилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

МУНОСАБАТ

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ —

ислоҳотлар замиридаги бош мақсад

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Демак, оғир геосиёсий вазиятга қарамай ва глобал иқтисодий, экологик инқирозлар ортиб бораётган ҳозирги замонда ижтимоий сиёсатни кучайтираётган ҳамда фуқаролари учун ҳар тарафлама муносиб ҳаётни таъминлашга интилаётган давлатлар сафи кенгаймоқда. Кувонарлиси, Жаҳон банкининг эътирофича, Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш йўлида энг юқори натижага эришаётган мамлакатлар сирасига киради.

Айни мазмундаги эътирофни Наманганда ўтган халқаро форум иштирокчилари яна бир бор тилга олдилар.

Инсон қадри учун!

Сўнгги йилларда камбағалликни қисқартириш саъй-ҳаракатларини ижтимоий-иқтисодий ислохотларда энг муҳим қадам бўлди, десак янглишмаймиз. Бинобарин, жамиятимизда камбағалликнинг мавжудлиги тан олинган ўша 2020 йилда 7,5 миллион киши ёки 23 фоиз аҳолининг даромади қашшоқлик чегарасига ҳам етмас эди.

Сўзсиз, мазкур соҳадаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган трансформация дастурлари самарасида камбағаллик даражаси 2024 йилда 8,9 фоизга туширилди. Жорий йил якунигача ушбу рақамни 6 фоизгача қамайтириш мақсад қилинган. Бу ҳақида Президентнинг Наманган халқаро форумидаги нутқида қайд этилди.

Урғу берилганидек, Янги Ўзбекистонда барча ислохотлар “Инсон қадри учун” деган тамойил асосида амалга оширилмоқда. Қисқа муддатда камбағалликни қисқартириш бўйича залворли натижаларга эришилаётгани негизида, аниқки, иқтисодиётимиз барқарор ўсаётгани муҳим омил бўлмоқда. “Биз янги ташаббус ва тажрибаларни синовдан ўтказиб, дунёдаги ижобий ютуқларни ўрганиб, камбағалликни қисқартириш бўйича Янги Ўзбекистон моделини яратдик. Аввало, ўтиш даврининг муҳим

“ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БАРЧА ИСЛОХОТЛАР “ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ДЕГАН ТАМОЙИЛ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ҚИСҚА МУДДАТДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ЗАЛВОРЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛАЁТГАНИ НЕГИЗИДА, АНИҚКИ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ БАРҚАРОР ЎСАЁТГАНИ МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

инструменти бўлган манзилли ижтимоий дафтарларни жорий этиб, барча эҳтиёжманд оилаларни қамраб олдик”, деди давлат раҳбари.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг муносиб турмуш шароитида яшаши, ислохотлардан розилик ҳисси ортиши, эҳтиёжманд оилалар сонини қамайтириш мақсадида жамиятнинг энг қўйи бўғинигача тушиб, “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилгани ҳар томонлама ўзини оқламоқда. Еттита устувор йўналишни ўз ичига олган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури эса бу борадаги ишларнинг манзиллилиги ва натижадорлигини таъминламоқда.

Доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шароит яратилаётгани, давлат хусусий секторни қўллаб-қувватлаётгани, ИТ, сунъий интеллект, финтех каби юқори даромад келтирадиган соҳаларда стартаплар экотизими ривожлантирилаётгани Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришда муҳим йўналишлардан бирига айланди. Сифатли таълим асосида инсон капитални ривожлантириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, тиббий хизматни яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам билан манзилли ишлаш жараёнларининг жадаллашуви ўз маҳсулини бермоқда.

Маълум бўлишича, юртимизда йилнинг ўтган даврида 2 миллион 700 минг аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилган. Камбағал оилаларнинг парваришга муҳтож аъзоларига янги ижтимоий хизматлар кўрсатилган, 50 минг нафар меҳнатга лаёқатли инсонлар учун ишлаш имкони яратилган.

Худудларда инфратузилмани яхшилаш, одамларга яшаш учун қўлай шароитларни муҳайё қилиш кўп ўлчовли камбағалликни қисқартиришда ҳаётий заруратдир. Шу мақсадда қарийб 3,5 миллион аҳоли яшайдиган, шароити оғир мингта маҳаллада инфратузилмани ривожлантириш чоралари кўрилаяпти.

Форумда иштирок этган экспертлар Ўзбекистон бугунги кунда давлат харажатларининг 70 фоиздан ортигини айнан Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун сарфлаётганини юқори баҳоладилар. Ўзбекистон бу соҳада халқаро мажбуриятларни муддатидан олдин бажариб, 2030 йилга қадар камбағалликни тубдан бартараф этишни мақсад қилаётгани мамлакат тараққиётининг шиддатли суръатига ишора беради.

Президент таъкидланганидек, инсон қадрини улуглаш орқали одамлар учун муносиб шароит яратиш, бу борада камбағалликни қисқартириш Янги Ўзбекистондаги барча ислохотлар замиридаги бош мақсад ҳисобланади.



СЎЗ - ЭКСПЕРТЛАРГА

Рехина Мария КАСТИЖИО, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:



- 2021–2024 йилларда Ўзбекистонда болалар камбағаллиги 21,5 фоиздан 11,4 фоизга тушган. Бу – тўрт йил ичида 10 фоизлик қамайишдир. Айниқса, ижтимоий нафақалар, болалар учун моддий ёрдам ва пенсиялар камбағалликни қамайтиришда муҳим омил бўлди. Агар ушбу ёрдамлар бўлмаганида, болалар камбағаллиги даражаси кескин ўсиши мумкин эди.

Шунингдек, инсон капитални ривожига учун давлат кафолатлаган универсал хизматлар – таълим, соғлиқни сақлаш ва болаларни ҳимоя қилиш муҳим пойдевор ҳисобланади.

Нигина АБАСЗАДЕ, БМТ Аҳолишўнослик жамғармаси (UNFPA) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:



-Ижтимоий ҳимоя – инсон ҳуқуқи, имконият ва барқарор тараққиёт асоси. Тўғри йўналтирилган тизимлар ҳар бир инсонга асосий хизматлардан фойдаланиш, даромад хавфсизлиги ва турли зарбаларга чидамли бўлиш имконини беради.

Аёллар учун бола парвариши хизматлари уларнинг меҳнат бозорига фаол иштирокини таъминлайди. Репродуктив соғлиқ ва оилани режалаштириш

хизматлари камбағалликни қамайтиради ва шахсий ривожланишга тўртки беради. Гендер зўравонлик қурбонларига молиявий ёрдам билан бирга хавфсиз бошпана ҳамда ҳуқуқий ва психологик кўмак бериш ҳаётни асраб қолади.

Ўзбекистонда яратилган “Инсон” марказлари – ижтимоий ҳимоянинг ҳақиқий намунаси: улар ҳар бир фуқаронинг кадр-киммати ва хавфсизлигини таъминламоқда.

Юртингиз ёш ва сони ўсиб бораётган аҳолиси билан демографик имкониятлар даврида. Бу имкониятдан тўлиқ фойдаланиш учун ижтимоий ҳимоя тизимлари гендерга сезгир ва ёшлар ҳамда кекса авлод эҳтиёжларига мос бўлиши зарур.

Ижтимоий ҳимояга сармоя – инсонга сармоядир. UNFPA ҳамкор сифатида Ўзбекистон билан бирга ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт ва имконият яратишга содиқ қолади.

Фарида МАҲКАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

АКС-САДО



Наманган вилоятида жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,3 фоизга, жумладан, саноат 9,1, қурилиш ишлари 12,7, хизматлар кўрсатиш 12, қишлоқ хўжалиги 4,4 фоизга ўсди. Инвестиция дастурлари доирасида 248,6 млн. долларлик 445 та лойиҳа ишга туширилиб, қарийб 11 минг янги иш ўрни яратилди. Вилоятнинг экспорт салоҳияти ҳам юксалиб бораётгани кишини қувонтиради. Ҳозирда наманганликлар қарийб 500 га яқин турдаги ўз маҳсулотларини дунёнинг элликка яқин давлати бозорларига чиқармоқда.

Худудда кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланаётгани аҳоли учун иш ўринлари яратиш ҳамда турмуш даражасини оширишга сезиларли таъсир кўрсатаяпти. Биргина шу олти ойнинг ўзида ҳоким ёрдамчилари ва маҳалла банкirlлари кўмагида 19,5 мингта микролойиҳа ишга туширилгани натижасида 40 минг киши бандлиги таъминлангани бунга мисол. Камбағал оилалар реестридан 8,5 мингдан зиёд оилалар ёки 31,5 минг аҳоли чиқарилган.

Этиборли яна бир жиҳати, вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида мисли кўрилмаган ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу жараён қизгин суръатда давом этмоқда. Барчаси

пировардида одамлар ўй-ташвишларини енгилаштиряпти, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаяпти.

Худуддаги ўзгаришлар янги қиёфа касб этаётган аэропорт даврозасиданоқ кўзга ташланади. Бу ерда умумий қиймати 140 млн доллар бўлган йирик инвестиция ҳисобига замонавий терминаллар барпо этилмоқда.

Уч қаватли қилиб қурилаяётган янги терминалда йўловчи ташиш қувватининг 2,5 баравар ошиши, унда чегара назорати ва виза бўлимлари, шунингдек, бизнес зали, савдо ва овқатланиш шаҳобчалари, тиббиёт хонаси, мижозлар талабига мос дўконларнинг дунё андозалари асосида қад ростлаши вилоятимиз аҳолиси ҳамда меҳмонлари учун қатор қўлайликлар яратади. Айниқса, қадами узилмаётган хорижий сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришда бу жуда муҳим. Зеро, вилоятда шу йилнинг ўзида 1,5 миллион хорижий, 2 миллиондан зиёд маҳаллий сайёҳларни жалб этиш, хизматлар экспортини 210 минг долларга етказишга аҳд қилинган.

Шу билан бирга, улкан юк терминали кунига 50 тонна юк ташиш ва 90 та мамлакатга экспорт қилиш имконини беради. Бу ерда водийда ягона карго тизими яратилади. Ўз-ўзидан ҳудуднинг бизнес, экспорт ва транзит салоҳияти янада ортади.

Бугун Янги Ўзбекистонда, хусусан, водий гавҳари – Наманган вилоятида аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш, одамларни узоқ йиллар давомида қийнаб келаётган масалаларга ечим топиш, уларни ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашларига эришиш, бир сўз билан айтганда, инсон қадрини улуглаш йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Қай бир наманганлик билан суҳбатлашманг, кейинги йилларда юз бераётган ўзгаришлардан, янгиланишлардан мамнун бўлиб сўз очади.

ЙЎЛГА ЧИҚҚАН ЭЗГУ МАНЗИЛНИ КЎЗЛАР...

Аэропортда махсус сервис техникаларининг янгиланиши янги истикбол эшикларини очиб, бунинг самараси ўлароқ турли ҳажмдаги самолётларни қабул қилиш ва уларга етарли даражада техник хизматлар кўрсатиш имконини беради.

Мамлакат раҳбари ўта қисқа муддатда, келгуси йили ишга туширилиши кўзда тутилаяётган аэропорт атрофидаги инфратузилмани айти пайтдаги юксак талаблар даражасида ташкил этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берди.

Худди шундай, Чуст туманидаги «Мегагон», Янги Наманган туманидаги «Тараққиёт» корхоналари, Чортоқ туманидаги «Айқирон-1» насос станцияси, Наманган шаҳрида давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги «Фирдавс» кундузги парвариш маркази ва бошқа объектларда олиб борилаяётган ишлар қамрови янада ошадиган бўлди. Шунини айтилади-да, тоққа чиққан чўққини кўзлар деб.

"ШЎРАРИҚ" ЎРНИДА ЯНГИ НАМАНГАН

Яширишнинг ҳојати йўқ, ривожланиш эпкини ҳамма жойда ҳам бир текисда, дейишга ҳали эрта. Ижтимоий инфратузилмаси, одамларининг турмуш шароити ҳаминқадар маҳаллалар

кўпинча кўздан панада қолиб кетиши бор гап. Ана шундай маҳаллалардан бири – Норин туманидаги "Шўрариқ"да 5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. 62 та камбағал оила, 118 нафар ишсиз бор, 157 одам миграцияда.

Шуларга қарамай, маҳалла аҳлининг шукроналик билан яшаётгани, иш бўлинлари яратилса, ишлашга шахди баландлиги, эски, ташландиқ бинолар ўрнида давлат-хусусий шериклиги асосида ишлайдиган корхоналар қад ростласа, бинойидай турмуш тарзига эга бўлишга иштиёқмандлар кўплиги давлат раҳбари билан кечган самимий мулоқотда яққол сезилди.

- Энди бу маҳаллани тубдан ўзгартириб, Янги Ўзбекистон нафасини олиб қирамиз. Қўчалар обод қилиниб, қиёфаси янгиланади. Одамларнинг яхши яшаши, сайр қилиб, болалари билан дам олиши учун муносиб шароитлар бўлади, - деди Президент.

Умид ва ишончимиз шундаки, ташриф давомида берилган кўрсатма ва топшириқлар ижроси тез орада тўлиқ таъминланиб, Наманган юртимизнинг фаровонлик феноменига айланади.

Зиёвиддин МАНСУР, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлими раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

ХДП ТАШАББУСИ

АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда хотин-қизлар сони аҳолининг қарийб ярмини ташкил этади. Уларнинг устувор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йилларда юзга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, соҳанинг халқаро стандартларга мос миллий қонунчилик базаси шакллантирилди. Жумладан, "Хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги муҳим қонунлар амалиётга жорий этилди.

Республикаимиз БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш ҳақидаги, Халқаро меҳнат ташкилотининг Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисидаги конвенцияларга қўшилган.

Бу йўналишдаги изчил ислохотлар бугун ўзининг залворли натижасини кўрсатмоқда. Хусусан, «Аёл илмли бўлса, жамият илми бўлади» деган эзгу ғоя остида хотин-қизларнинг олий таълим олишини қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрли ташаббуслар қамрови кенгайиб бораётир. Улар учун имтиёзли (фоизсиз) таълим кредитлари ажратилган, магистратурада ўқиётган қизларимизнинг контракт тўлови тўлаб берилмоқда. Бундан ташқари, юз минглаб опа-сингилларимиз касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилмоқда.

Раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича ҳам истиқболли дастурлар йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда давлат бошқарувида аёлларнинг улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 37 фоизга, қолаверса, сиёсий партиялар таркибида 49 фоизга етгани нимадан далолат? Табиийки, бу рақамлар хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликка эришиш, аёлларнинг оилада ҳамда жамиятда мавқеини юксалтириш, ҳамма соҳада ўз салоҳияти ва лаёқатини намоён этишлари учун имконият яратиш йўлидаги тизимли ишлар натижасидир. Аёлларнинг парламентга келиши ижтимоий-сиёсий феномен сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода миллий парламентимизда хотин-қизларнинг иштироки сезиларли даражада ошгани (Қонунчилик палатасида 38 фоиз, Сенатда 27 фоиз, маҳаллий Кенгашларда эса 25 фоиз депутатлар аёллардан иборат) алоҳида эътирофга лойиқ, албатта, Бинобарин, халқ вакиллари орасида аёллар сафи қанча кенгайса, жамиятимизда хотин-қизлар дуч келаётган турли муаммоларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришда, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда, халқчил ислохотларни рўёбга чиқаришда, раъзий қилиб айтганда, ушбу қатлам овозини эшитиш имконияти шунча ортади.

Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоларининг 50 фоизи аёллар эканини келтириш жоиз.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Инояттов аёлларнинг меҳнат бозорида тенг имкониятларга эга бўлиши, айниқса, қишлоқ жойларда уларни қўллаб-қувватлаш, қизларни замонавий касбларга йўналтириш, олий таълимда давлат грантлари сонини кўпайтириш, болалар боғчалари ва ижтимоий хизматлар тармоғини кенгайтириш, хотин-қизлар турмушини енгиллаштириш долзарб вазифалардан саналишини таъкидлади.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаол бўлиши, уларнинг давлат ва жамият бошқарувида бевосита иштирок этиши, турли соҳаларда тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлардан тўсиқларсиз фойдалана олиши Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига мос келади.

Партиянинг Сайловолди дастурида хотин-қизлар фаоллигини ошириш бўйича муҳим ғоя ва ташаббуслар илгари сурилган. Қисқа даврда уларни амалга ошириш бўйича дадил қадамлар ташланди. Хусусан, пенсия тайинлашда аёлларнинг болани парваришлаш таътили муддати 3 йилдан 6 йилгача меҳнат стаж сифатида ҳисобланадиган бўлди, ота-онаси ёки боқувчисидан айрилган хотин-қизларга давлат ҳисобидан ўқиш имконияти яратилди.

Мулоқотда ЎзХДП томонидан тизимли равишда ҳамкор ташкилотлар билан бирга аёлларнинг фаоллигини ошириш масалаларида ҳудудларда доимий равишда ўрганишлар ўтказилаётгани, ютуқлар билан бир қаторда муайян муаммо ва камчиликлар аниқланаётгани кайд этилди.

Ўрганишлардан маълум бўлишича, хотин-қизларнинг юртимиз меҳнат бозоридаги иштироки 40 фоиз атрофида, улар орасида ишсизлик масаласи ҳали ҳам узил-кесил ечимини кутмоқда.

Норасмий секторда меҳнат қилаётган минг-минглаб хотин-қизларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлашда ҳам мавжуд ҳолат мақтагулик эмас. Иш берувчилар, аксарият ҳолларда қонунни ҳурмат қилмайдиган тадбиркорлар аёллар меҳнатини етарли даражада қадрламасдан, нисбатан кам ҳақ тўламоқда, лавозимларга тайинлашда хотин-қизларга ишонсизлик билан қараш жамиятимизда ҳамон барҳам топганича йўқ.

Таълим оlish, ҳунар ўрганиш истагидаги хотин-қизлар оилалар, қолаверса, мутасадди идоралар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан белгиланган даражада қўллаб-қувватланаяпти, дея ҳулоса қилиш қийин. Жойларда баъзи касб-ҳунарга ўргатиш курслари номига йўлга қўйилган, масъулиятли вазифага юзаки ёндашилаётган вазиятлар ҳам кузатилаётгани сир эмас.

Мулоқотда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаол бўлишига халал бераётган шу каби муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилиш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича татбиқ этилган дастурлар ва лойиҳаларнинг натижадорлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди. Депутатлар, мутахассислар, олим ва экспертларнинг мулоҳаза ва таклифлари тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш бўйича давлат дастурларининг амалий натижаси ҳақида маъруза қилди.

Олий Мажлис Сенати аъзоси Малика Қодирхонова, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мақсуда Ворисова ва бошқалар мавзуга дахлдор чиқишлари билан иштирокчилар диққатини хотин-қизларнинг оилада ва жамиятда манфаатини таъминлашнинг долзарб жиҳатларига қаратди.

Муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, депутатлар ва жамоатчилик назоратини қучайтириш, парламент назорати институти имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича дастлабки Ҳаракатлар режаси келишиб олинди.



Улуғбек ИНОЯТОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
раиси:

- Аёлларнинг меҳнат бозорида тенг имкониятларга эга бўлиши, қишлоқ жойларда тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, имтиёзли кредит ва грантлар ажратиш орқали уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга интиломқдамиз. Шунингдек, қизларни замонавий касбларга йўналтириш, олий таълимда давлат



Зулайхо МАҲКАМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазир ўринбосари,
Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси раиси:

- Давлатимиз раҳбари Наманган шаҳрида "Камбағалликдан фаровонлик сари" мавзусида ўтказилган III халқаро форуми очилиш маросимида сўзлаган нутқида юртимизда хотин-қизларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига олиб чиқилгани ва бу борада тизим яратилганини алоҳида таъкидлади.

Аёлларимизга жамиятнинг барча бўғинида ўз ўрнини топишига қўмаклашиш масаласи янги таҳрирдаги Конституциямизда, "Ўзбекистон – 2030" ва Гендер тенгликка эришиш стратегиялари каби концептуал ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Уларнинг ижроси доирасида олиб

грантлари сонини кўпайтириш, болалар боғчалари ва ижтимоий хизматлар тармоғини кенгайтириш орқали хотин-қизлар турмушини енгиллаштириш йўналишида ташаббусларимизни давом эттирмоқдамиз.

Шу билан бирга, хотин-қизлар соғлигини муҳофаза қилиш, профилактик тиббий кўрикларни мунтазам ташкил этиш, репродуктив саломатликка оид дастурларни қонунчилик асосида мустақамлаш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қилинаётган ишлар диққатга молик. Мисол учун, эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган қизлар учун давлат грантлари сони 2 баробарга оширилди, уй-жойга муҳтож аёлларга ипотека кредитининг 15 фоизи миқдориди бошланғич тўлов тўлаб берилаяпти, "Аёллар дафтари" рўйхатида киритилган хотин-қизлар ўз-ўзини банд қилиб, даромад манбаига эга бўлиши учун субсидия ажратилаяпти. Албатта, ечимини

кутаётган муаммолар ҳам бор. Мисол учун, давлат ташкилотларида аёллар улуши камлигича қолмоқда. Норасмий секторда меҳнат қилаётган хотин-қизлар баъзи ҳолларда ижтимоий ҳимоядан четда қолмоқда. Айрим салбий ижтимоий стереотиплар, «Аёлнинг ўрни – уйда», деган қарашлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Уй ишлари ёки бошқа маиший тўсиқлар сабаб қўллаб қизлар олий таълим ололмаяпти.

Энг оғир муаммолардан бири эса аёлларга нисбатан оилада ва жамиятда таъйиқ ҳамда зўравонлик ҳолатларининг камаймаётганидир. Шу йилнинг олти ойи давомида 48 мингдан ортиқ опа-сингилларимизга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатлари қайд этилгани барчамизни жиддий ўйлантиради.

Бу ҳолатлар ҳали олдинда яна масъулиятли вазифалар турганидан далолат беради.

Муаммолар кўп қиррали, уларнинг ечими ҳам шунга мос равишда комплекс бўлиши зарур. Шуниси аниқки, жамиятда аёлларимиз қанчалик фаол бўлса, сиёсий жараёнларимиз ҳам шунчалик самарали кечади.

хизматини сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга олиб чиқиш бўйича стратегик йўналишлар белгиланди. Ушбу ислохотлар доирасида хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва фаоллигини ошириш масаласига алоҳида устуворлик берилган. 2030 йилгача бўлган даврда давлат фуқаролик хизматида ҳамда Миллий кадрлар захирасида аёллар улушини 40 фоизга етказиш мақсад қилингани бунинг ёрқин далили.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача мўлжалланган "Оила фаровонлиги" миллий дастури ишлаб чиқилмоқда. Бу ҳужжат орқали оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга чиқариш назарда тутилган.

Бугунги кунда юртимизда аёллар учун яратилаётган бекиёс имкониятлар, албатта, ҳар бир опа-сингилмида ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқаришга, янги ғоялар устида ишлашга, ташаббускорлик кўрсатишга иштиёқ ҳамда келажакка ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди. Янги-янги ютуқ ва марралар сари етаклайди, оилада ҳам, жамиятда ҳам фаол хотин-қизлар сафи кенгайиб бориши учун йўл очади.

Аёлларимизнинг ҳаётини сезиларли даражада яхшилаш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш давлат ҳамда жамият учун барқарор тараққиёт ва фаровонлик кафолати бўлиб хизмат қилади.

► (Давоми 5-бетда)

ОШИРИШ – ЯНГИ ДАВР ТАЛАБИ



“

ЎЗБЕКИСТОНДА
АЁЛЛАРНИНГ
ИҚТИСОДИЙ
МУСТАҚИЛЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ
БЎЙИЧА КЕНГ
ҚАМРОВЛИ ДАВЛАТ
ДАСТУРЛАРИ
АМАЛГА
ОШИРИЛМОҚДА.



Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент иқтисодийёт
университети профессори,
иқтисод фанлари доктори:

**- Аёлларнинг
иқтисодий фаоллиги
нафақат оилаларнинг
фаровонлиги,
балки опа-
сингилларимизнинг
жамиятда ўз ўрнини
топишига, нуфузи
тобора ошишига
хизмат қилади.**

Шубҳасиз, тараққиётимизнинг янги даврида хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилляпти. Давлат раҳбари томонидан аёллар масаласига қаратиляётган эътибор, қутिलाётган ижобий ишлар бўйича режа ва мақсадлар қизларимиз учун, аёлларимиз учун жуда катта рағбат бўлиб, келажакда яхши имкониятлар эшигини очмоқда. Ўзбекистонда аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг қамровли давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Бунга 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастурини мисол қилиб келтириш мумкин. Унга кўра, пойтахтимизда асосан хотин-қизларни ўқитиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тўқимачилик соҳасида алоҳида университет ташкил этиш, пахта-

тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида жойларда университетнинг техникумларини ҳам очиш белгиланган. Хотин-қизлар учун контракт пулини тўлаш мақсадида 7 йилга фоизсиз кредитлар берилиши, ҳар йили 50 нафар қизларимизни хорижга ўқишга жўнатиш режалаштириляётгани аини муддао.

Хотин-қизларнинг иқтисодий фаол бўлиши бир нечта омилларга боғлиқ. Биринчи галда улардан молиявий ва ҳуқуқий саводхонлик талаб қилинса, олий таълим, давлат бошқаруви ва раҳбарлик лавозимларида аёллар улўши ортиши, қизларнинг илмга интилиши оилалар томонидан рағбатлантирилиши ҳам бу жараёнда ҳал қилувчи роль ўинайди.

Бугунги кунда энг қуйи бўғин – ҳар бир маҳаллада аёллар муаммоларини ҳал қилиш учун хотин-қизлар фаоли лавозими йўлга қўйилгани, ипотека кредитларида ажратилаётган субсидияларнинг камида 40 фоизи ушбу қатлам вакилларига йўналтириляётгани, ота ёки онасини йўқотган талаба қизларнинг таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўланиши, магистратурада ўқиётган қизлар учун контракт тўловлари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилиши, докторантура йўналишида аёллар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилиши ўзининг қутилган натижасини бермоғи тайин.

Шунинг баробарида жорий йилнинг ўзида юртимизда 2 миллион нафар аёллар бандлигини таъминлаш, шундан 1,3 миллион нафар хотин-қизни тадбиркорликка жалб қилиш кўзда тутилгани ва бу режа амалий тасдиғини топаётгани опа-сингилларимиз ўртасида ишсизликка барҳам беришга, уларнинг муносиб турмуш шароитида яшашини, орзу-мақсадларини қўллаб-қувватлашга замин яратаётгани қувонарлидир.



Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

**- Бугунги кунда аёлларнинг
давлат ва жамият ҳаётида
фаоллиги сезиларли ошиб
бормоқда. Бу ўзгаришда энг
муҳим омиллардан бири –
хотин-қизлар манфаатларини
ифода этувчи ва ҳимоя
қилувчи парламентнинг
шаклланиб бораётганидир.**

Аёлларнинг парламентда иштироки демократик тараққиёт кўрсаткичларидан ҳисобланади. Илк бор аёллар ўтган аср бошларида парламентларга сайланиш ҳуқуқини қўлга



Ойниса МУСУРМОНОВА,
“Оила ва гендер” илмий-
тадқиқот институти директор
ўринбосари, Республика
“Оқила аёллар” ҳаракати
етакчиси:

**- Аёл ва оила
тушунчаларини бир-
биридан асло айро
тасаввур этиб бўлмайди.
Оиланинг мустаҳкамлиги
ва фаровонлигини
таъминлашда онанинг
оқилалиги жуда муҳим.
Бизнинг жамиятимизда оила
қадрияти, фарзанд тарбияси,
ота-оналик масъулияти, аёлга
эҳтиром юксак даражага
қўтарилган. Лекин ҳозир
инсоният шундай давр
билан юзма-юз турибдики,
глобаллашув жараёнлари
оила қадриятларига таҳдид
солаётгани, неча минг йиллик
қадриятларимизга таъсир
қилаётганини кўриб, англаб
турибмиз.**

Мана шундай шароитда
аждодаларимиздан мерос қолган

криттан бўлса, бугунги кунда қўллаб давлатларда парламент таркибининг 30-50 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бу борада ижобий кўрсаткичлар кузатилмоқда. Бунинг самарасида миллий парламентимиз томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи қатор нормалар қабул қилинди.

Аёл депутатларимиз ижтимоий ҳимоя соҳасида, хусусан, пенсия, болалар таъминоти, оналикни муҳофаза қилиш каби йўналишларда фаол қонунчилик ташаббуслари билан чиқяпти. Қолаверса, улар жойларда фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиб, хотин-қизлар дуч келаяётган муаммоларни тўғридан-тўғри парламент муҳокамасига олиб чиқиш имкониятига эга бўлмоқда.

Шуни тан олиш керакки, эришилган натижаларга қарамай, ҳали ҳам бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Аёлларнинг сиёсий ва жамоатчилик ҳаётида фаол иштирок этишига баъзан жамиятнинг ўзидаги стереотиплар тўсиқ бўлмоқда.

Қишлоқ жойлардаги аёлларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва иш билан таъминланиш имкониятлари чекланган.

Айрим ҳудудларда эркаклар ва аёллар ўртасидаги маош тафовути

сақланиб қолмоқда.

Аёлларга нисбатан психологик ва иқтисодий зўравонлик ҳолатлари камайган бўлса-да, бутунлай йўқолмади.

Бу муаммоларни ҳал этишда парламентда аёллар манфаатини фаол ифода этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда янги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда аёлларни рақамли соҳаларга жалб қилиш орқали уларнинг иқтисодий мустақиллигини ошириш мумкин. Онлайн таълим, масофавий ишлаш имкониятлари орқали қишлоқ жойлардаги аёллар ҳам иқтисодий фаол бўлиши мумкин.

Ёш қизларни сиёсий жараёнларга жалб қилиш, уларда лидерлик қобилиятини шакллантириш, тажрибали депутатлар томонидан менторлик дастурларини ташкил этиш — келажакдаги кучли аёл раҳбарлар етиштиришга туртки беради.

Шунингдек, аёлларнинг сиёсий фаоллигини оширишда халқаро ташкилотлар, яъни, БМТ, ЕХХТ, ИХТ каби институтлар билан ҳамкорликда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тенгликни таъминлашда илғор тажрибаларга таянган ҳолда қонунчиликни ва сиёсий маданиятни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

маънавий бойликлар, аиниқса, оила қадриятларини сақлаш ва ёшлар онгида оилага ҳурмат, уни муқаддас билиш, оила олдидаги масъулият ва мажбурият туйғуларини юксалтириш «Оқила аёллар» ҳаракати олдида турган долзарб вазибалар сирасига қиради. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг мамлакатда амалга ошириляётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, улар ўртасида янги қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқчил тилда тушунтириб бориш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш орқали ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортишига туртки бериш ҳам фаолиятимизнинг устувор йўналишларидандир.

Халқ демократик партияси “Оқила аёллар” ҳаракати тизими аъзолари билан биргаликда олиб бораётган тарғибот ишлари ижобий натижаларини бераётганини қайд этиш

ўринли. Нотинч ва низоли оилаларга психологик ёрдам кўрсатиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, келажак авлод саломатлигига салбий таъсир қилаётган ҳолатлар – эрта турмуш, эрта туғуруқ, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, оилаларда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни бартараф этиш, хотин-қизларнинг репродуктив билимини ошириш, тўй-маросимларни ихчамлаштириш сингари йўналишларда аини мазмундаги тадбирлар мунтазамлик касб этган. Шу билан бир қаторда маҳаллаларда жамоатчилик асосида “Оила мактаблари”ни ташкил этиш ва ривожлантиришда ХДП яқин ҳамкорларимиздан саналади.

Бир ҳақиқатни унутмайлик, ҳар қандай давлатнинг маданий даражаси аёлларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик билан ўлчанади.

Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясига кўра, 2030 йилга бориб хотин-қизларнинг улўшини сиёсий партияларда 50 фоизга, вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда 15 фоизга, бошқарув лавозимларида 30 фоизга ошириш мақсад қилинган.
Демак, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, турли соҳаларда оддий одамлар дуч келаяётган муаммоларни, қонун бўшлиқларини бартараф этиш, барча жабҳада “Инсон қадри устун” тамойилини қарор топтиришдек эзгулик йўлида муносиб ҳисса қўшадиган зукко, фаол, оқила, меҳрибон опа-сингилларимиз сафи янада кенгайиши муқаррар.

ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.





ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЎЗХДП БАЁНОТИНИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАДИ

Баёнотда кўтарилган масала, фикр ва таклифлар ҳақида кенг жамоатчилик қўллов фикрларини билдиришди.

Хусусан, ижтимоий тармоқлардаги изоҳларда шундай дейилади:

— Шу масалада ким жон кўйдирган бўлса халқ номидан раҳмат. Камбағал оилаларнинг жуда кўпи скутерни кредитга олиб, рўзгорини тебратяпти. Ҳеч бўлмаса вояга етмаганларга ҳайдаш тақиқланади, деган бандини қолдириш керак, менимча.

— ХДП жуда тўғри қарши фикр билдирибди. Биз ҳам шу фикрдамиз.

— ХДП тўғри айтган, қанча одамлар бекорчи бўлиб қолади.

— Тўғри фикр. Бизнинг даромадимиз шундан, биз қандай ҳайдовчилик гувоҳномаси оламиз.

— “Yandex Go” ёки “Express” хизматларида ишловчилар даромадидан айрилади-ку.

— Ундан кўра, ёшини чегаралаб қўйиш керак.

“Davletovuz” канали муаллифи бу ҳақида шундай деб ёзди:

... Президент бошчилигида баҳорда ўтказилган селекторда “курьерлик хизмати корхоналари мопед олиб келиб, одамларни иш билан таъминлаётгани, лекин мопеднинг ўзи 300 доллар турса, уни стандартдан ўтказиб, сертификат олишга яна шунча маблағ кетаётгани” танқид қилинганида ҳам мақсад шу эди. Ҳа, тартиб бўлиши керак, ҳа, хавфсизлик ҳам жуда муҳим. Лекин буни эртадан кечгача ишлаб, рўзгорини тебратаётган, ўқишига ёрдам қилаётган, ота-онасига кўмаклашаяётган бечора курьерларнинг зиммасига ташлаб қўйиш — бандлик ва камбағалликка қарши кураш сиёсатидан чекинишдир.

Мутасаддилар, керак бўлса, агрегаторлар билан ҳамкорликда тез ва самарали ечим топиши лозим. Қисқа муддатда (бир ҳафталик, 10 кунлик) ортиқча бюрократик талабларсиз ўқитиб, скутер ва мопед ҳайдовчили

гувоҳномаси нархларини чўнтақбоп қилиш, зарур бўлса, бюджетдан компенсация қилиш йўлидан бориш мақсадга мувофиқ. Чунки мопед ва скутерга ҳашаматли транспорт воситаси эмас, балки меҳнат қуроли сифатида қараш керак...

Telegram каналида 60 мингдан зиёд обнучасига эга baki900 бу масаладаги ўз нуқтаи назарини шундай баён қилди:

... Демак, Тошкентда мопеди ва скутери билан курьерлик қилаётган ўн минглаб ватандошлар (уларнинг аксари вилоятликлар) қолган 12 кун ичида имтиҳондан ўтиб, А тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олиши, мопеди ва скутерини Дамасга ё Лабога юклаб рўйхатдан ўтган ҳудудига бориши ва 1 524,4 минг сўм (давлат рақами учун БХМнинг 1,5 баробари, рўйхатга олингани учун яна БХМнинг 1,5 баробари миқдорида, гувоҳнома (техпаспорт) учун 0,7 БХМ, жами 3,7 БХМ) тўлаб мопеди ва скутерини рўйхатдан ўтказиши керак.

Мопед ва скутерлар ва уларнинг ҳайдовчиларининг идентификациялаш керакмиди? Ҳа, керак эди. Лекин бу ишни осон, арзон ва қўлай амалга оширса бўларди. Ўн минглаб ўзбекистонликларни мопед ва скутер нархида ва ундан қимматига харажат қилишга мажбурламасдан, мотоциклга керак бўладиган ҳайдовчилик гувоҳномасини мажбурий қилмасдан масалан, талабгорларнинг ID карталарига давлат хизматлари марказларида мопед ва скутерларга мулк ҳуқуқи рақамли маълумотларини киритиш ва ташқи идентификациялаш имконини берадиган ёки QR кодли стикерлар бериш билан калькуляция қилинса, нари борса 200 минг сўмлик давлат хизмати бу ўзи.

Ёки бўлмасам, бутун нормал дунёдаги каби ва Ўзбекистон ратификация қилган Вена конвенцияси бўйича мопед ва скутерларга А1 тоифани жорий қилиш, ихтиёрга кўра соддалаштирилган ўқиш ёки ўқишсиз арзон имтиҳон жараёнини йўлга қўйиш мумкинмиди?..

Тўғри, йўл тартиб ва қоидадан ёқтиради. Аммо шуни унутмайликки, гувоҳнома олиш, рўйхатдан ўтиш, давлат рақами харажатлари бу даромади кам, етказиб бериш хизматидан фойдаланиб, ўқишининг шартнома пулини ййғаётган ёки ота-онасига кўмаклашаяётган юзлаб, минглаб ёшлар учун янги, оғир харажатдир.

Лицензия олиш учун талаб қилинадиган ўқиш, имтиҳонлар, нархлар, вақт – булар ҳам мураккаблиklar сифатида тилга олинапти.

Одамлар, айниқса, ёшларнинг турмушига бевоисита таъсир кўрсатадиган ушбу долзарб масала бўйича оқилона ечим топилади, деган умиддамиз.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Жамоатчилик ўртасида бу талаб қатор баҳсларни келтириб чиқарди. Баъзилар бу янгиликларни керакли, деб ҳисоблайди. Бу қонуний тарафдан хавфсизликни оширади, деб қўллаб-қувватловчилар ҳам “бошида оғир”, лекин хавфсизлик ва тартиб учун керакли, деб ҳисоблайдиганлар ҳам бор.

Баъзилар эса буни танқидий баҳолашди. Кичик хизматлар билан кун кечирадиганлар, масалан, курер, “Yandex Go” ёки “Express” хизматларида ишловчилар даромадидан айрилади-ку, деган изоҳлар ҳам қолдиришди.

Аслида нима бўлган эди?

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларига бир қанча ўзгантириллар киритилган.

Электромотоцикл, мопед ва скутерлар учун алоҳида фарқловчи давлат рақам белгилари жорий этилди. Ҳукумат қарори билан фойдаланишда бўлган мопед ва скутерларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида 2025 йил 30 сентябрга қадар амал қиладиган вақтинчалик низом тасдиқланган.

Унга кўра, мопед ёки скутерларни давлат рўйхатидан ўтказиш ЙХХХ ҳудудий бошқармаларининг рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлиномалари томонидан амалга оширилади.

Мопед ва скутерларни гувоҳномасиз бошқарганлар жазимага тортилади.

Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маълумотларига кўра, транспорт воситалари давлат

рўйхатидан ўтказилиши ва фақат «А» тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган шахслар томонидан бошқарилишига рухсат берилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси иқтисодий-сиёсий ғояларидан келиб чиқиб, бандлигини ўзи таъминлаган юртдошларимиз, айниқса, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун баёнот берди.

Мазкур баёнот, унда билдирилган фикр ва таклифлар мамлакат жамоатчилиги томонидан кенг қўллаб-қувватланди, ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда ўтган дам олиш кунлари энг кўп кўрилган, энг кўп қизиқиш билдирилган масалага айланди.

Сабоби, партия кўтарган мавзую жуда ҳаётий ва минг-минглаб ёшларнинг ҳаётига, кундалик турмушига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган масаладир.

Айрим маълумотларга кўра, ҳозир 130 минг нафарга яқин ёшлар курьерлик хизмати билан банд. Бу фақат велосипед, мопед ва скутерлар орқали хизмат кўрсатаётган фуқаролардир, дейилади партия баёнотида.

Камбағалликни қисқартириш, битта барқарор иш ўрни яратиш учун қўллаб қоралар кўрилатётган ҳозирги муҳим даврда ўзини ўзи банд қилган, халқимизга хизмат қилаётган юртдошларимиздан мопед ва скутерларни бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси талаб қилинаётган вақт, албатта, қисқа ҳисобланади.

Тўғри, бу борада ҳукумат томонидан муддатлар ўзайтирилган, бироқ талабгорларнинг жуда ҳам кўп бўлган миқдорини инобатга олиб, бу даврда ҳужжат талаб қилиш мақсадга мувофиқлигини яна бир бор ўйлаб кўриш лозим. Боиси,

мазкур соҳада хизмат қилаётган кўплаб фуқаролар боқимандалик кайфиятига берилмасдан, кимдандир ёрдам кутмасдан, даромад топишга, молиявий муаммоларини ўзи ҳал қилишга интиломда.

Жорий этилиши қўтилаётган тартибга кўра, бир кунда юз минглаб ёшлар даромад манбаисиз, ишсиз қолиши мумкинлиги ҳақида ўйласак, масаланинг қанчалик чуқур ва кенг экани равшанроқ бўлади.

Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш бўйича тизимли курашаётган, ўзини ўзи банд қилганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган мамлакат сифатида халқроқ ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Шундай даврда асл мақсади оиласига, жамиятга хизмат қилиш бўлган ҳамюртларимизни мураккаб вазиятга туширишдан йироқ бўлиш ҳамда уларга имкон қадар энгиллик яратиш, муаммони ҳал қилишнинг инновацион, одамларга қийинчилик туғдирмайдиган йўллари ҳақида ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ.

Шу боис, жорий йилнинг 1 октябридан мопед ва скутерларни бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси талаб этилиши муддатини кейинги йилга қолдирган ҳолда, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва давлат рақамини олиш учун муддатлар ва тўловлар миқдорини қайта кўриб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ижтимоий-иқтисодий аҳамияти жуда юқори бўлган масала бўйича давлатимиз сиёсатига муносиб ечим топилишини сўраймиз ва бу борада тегишли тартибда депутатлик сўровини киритамиз, деб ақунланади партия баёноти.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА



МУРОЖААТ ЕЧИМИДА ПАРТИЯМИЗ СОБИТҚАДАМ

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси, Жўқорғи Кенгес депутати, партия фракцияси раҳбари Халилла Ешимбетовга Чимбой тумани “Қамис ариқ” овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Баҳадир Баймуратовдан ўзи яшаб турган уйи авария ҳолатида экани сабабли уй олишда ҳамда ўғлини иш билан таъминлашда ёрдам сўраб мурожаат келиб тушган эди.

Мазкур мурожаат Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, Чимбой туман партия кенгаши вакиллари ва туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари томонидан жойига бориб ўрганилди. Олиб борилган таҳлиллар натижасида Б.Баймуратовнинг ўғли Фархат Утемуратов “LANEXTRACT” МЧЖ корхонасига ишга жойлаштиришга амалий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, депутатлар саъи-ҳаракати ва ҳомийлар кўмагида ушбу фуқарога 3 хонали уй олиб берилди. Кунни кеча партиянинг бир гуруҳ масъуллари янги хонадонга бориб, у ердаги шароитлар билан танишди ҳамда партия кенгаши ва депутатлар томонидан тайёрланган эсдалик совғаларини топширдилар.

Юнус ТОРЕМУРАТОВ, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Депутатлик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича координатор ва депутатлар ёрдамчиси.

ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Шаҳрисабз шаҳар кенгаши томонидан 1-сонли оилавий поликлиникада “Саломатлик акцияси” доирасида тадбир ташкил этилди. Унда малакали шифокорлар томонидан “Наматон”, “Наврўз”, “Ипак йўли”, “Қамолот” ҳамда “Дўстлик” маҳаллаларида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакиллари, кексалар, хотин-қизлар, ёш болалар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Жумладан, 20 нафар кекса, 30 нафар хотин-қиз ва 15 нафар ёш болаларнинг саломатлиги бўйича чуқурлаштирилган текширувларда касалликлар аниқланган беморларга даволаниш учун тавсиянома ҳамда йўлланмалар берилди.

Тадбир якунида партиямиз сафига қўшилишни истаган поликлиниканинг малакали ҳамшираларига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Айтиш керакки, партиямиз фаоллари ҳамда депутатлар тадбирлар билангина чекланиб қолмайди. Хусусан, Нишон туман партия кенгаши раиси, туман Кенгаши депутати А.Беккамов

фуқаро Д.Хонимкулованинг мурожаатини ижобий ҳал қилишда бош-қош бўлди.

Гап шундаки, Д.Хонимкулова тумандаги “Каптарли” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, турмуш ўртоғи вафот этган, қизи Р.Шарипова тўлов-шартнома асосида олий таълим муассасасида таҳсил олмоқда. Жорий йилда қизининг контракт тўловиға имконияти бўлмаётгани учун она амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Депутат ушбу масала юзасидан туман Ёшлар агентлиги бўлими раҳбари билан мулоқот олиб борди ҳамда агентлик жамғармасидан контракт тўловининг



маълум қисмини тўлаб беришга келишиб олинди.

Шаҳло ХУДОЙҚУЛОВА, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши бўлим бошлиғи.

ФАОЛЛИК ДЕПУТАТ ҲУРМАТИНИ ОШИРАДИ

ЎзХДП Пастдарғом туман кенгаши фаоллари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамкорликда жойларда турли учрашувлар ташкил қилмоқда. Тадбирларда тарғибот ва ташвиқот ишлари билан бир қаторда аҳолини ташвишга солаётган муаммолар ҳам ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, яқинда туман Кенгаши депутатлари Маъруф Қиличев ҳамда Хайрулло Турдиев “Боғонали”, Тор ариқ”, “Тўрт айғир” ҳамда “Қорағуппа” маҳаллаларида бўлиб, ҳудудлардаги вазиятни ўрганди.

Аниқланган ечимини қўтаётган масалалар юзасидан тегишли “Йўл харитаси” белгилаб олинди.

Партиянинг Жомбой тумани Кенгашида сайловчилар томонидан тушаётган мурожаатларни самарали ташкил этишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ЎзХДП вилоят кенгаши вакили Илҳомжон Шоқосимов сўзга чиқиб, йиғилганлар эътиборини бу борада депутатлар олдида турган устувор вазифаларга қаратди. Ҳар бир мурожаатда инсон тақдири мужассам. Шундай экан, депутатлар мурожаатларга жиддий эътибор қилиши зарурлиги қайд этилди ва тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Сардор ХУДОЁРОВ, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши ахборот хизмати раҳбари.



МУЛОҲАЗА

Дунёда аҳолининг саводхонлик даражасини белгилашнинг асосий мезонлари борми? Ва у ҳамма жойда бир хилми? Бу саволга ЮНЕСКОнинг 1958 йил Парижда бўлиб ўтган 10-сессиясида жавоб берилган. Яъни, барча мамлакатларда саводлилик тушунчасини бир хиллаштириш мақсадида ёзувни тушуниб ўқий оладиган ва ўзининг кундалик ҳаётини ёзма равишда имловий хатоларсиз баён қиладиган кишиларни саводли ҳисоблашга келишилган. Дарҳақиқат, саводхонлик – киши томонидан ўз она тили қоидаларига асосланган ўқиш ва ёзишни муайян ўзлаштирганлик даражаси, шу билан бирга, аҳолининг ижтимоий-маданий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан биридир. Буюк алломаларимиз хусусан, Ҳазрат Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн", "Лисон ут-тайир", Муниснинг "Саводи таълим", Бобурнинг "Бобурнома" асарларида бу масаланинг нозик жиҳатлари ўз ифодасини топган .

САВОДХОНЛИК – ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Илм-фан, таълим, ахборот технологиялари, инсон тафаккури ривожланиб бораётган бугунги кунда нафақат оддий саводхонлик, балки юртимизда тил сиёсати соҳасида юксак натижаларга эришилаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Зеро, давлат ва ҳукумат даражасидаги, мамлакат ва халқ тақдирига дахлдор бўлган муҳим ҳужжатлар асли рус тилида тайёрланиб, кейин ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилинган, мавҳумликлар, бўшлиқлар, ғализликлар билан амалиётга йўналтирилган ҳолатларни яқин тарихимизда кўрганмиз.

Бугун эса ҳар бир ҳужжат ўзбек тилида тушунарли ва мукаммал тайёрланади, муҳокамага қўйилади, қабул қилинади. Аҳолига барча давлат хизматлари ўз она тилимизда кўрсатилади. Аслида ҳам худди шундай бўлиши керак, албатта. Аммо бунга эришиш йўлида қилинган заҳматларни ҳам унутмаслигимиз лозим. Айниқса, кейинги йиллардаги ислохотлар нафақат фуқаролар учун қулайлик, балки ташкилот ва идораларда давлат тилида иш юритиш учун кенг имкониятларни яратди.

Хусусан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тизими яратилгани, раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг ўзбек тили бўйича билим даражасини аниқлаш мақсадида миллий тест тизими жорий этилгани, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан қомус, луғат ва қўлланмалар кўп минг нусхаларда чоп этилаётгани, "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" янгидан лотин алифбосида нашр этилгани ва унинг веб-сайти яратилгани бу борадаги муҳим қадамлардан бўлди.

Бундан ташқари, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида турли ташкилот ва идораларда меҳнат қилаётган ходимлар ўқитилмоқда. Давлат идоралари, ҳокимликларда давлат тили бўйича маслаҳатчилар фаолият юритади. Телерадиоканаллар ва интернет сайтларида давлат тилини ўрганишга ёрдам берадиган дастурлар мавжуд. Мустақил тил ўрганувчилар учун қўшимча адабиётлар, луғат ва қўлланмалар нашр этилмоқда. Ўзбек тилининг жаҳон майдонида, хусусан, интернет ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, она тилимизда кўплаб янги компьютер дастурларини яратиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Лекин, ана шундай ташкилий-ҳуқуқий асослар, имконият ва шароитларга қарамасдан кўчалар, пешлавҳаларда ўрнатилган, ҳаттоки миллионлар кўрадиган телеканалларда эфирга узатилаётган реклама ва эълонлардаги хатолар ва ғализ ёзувлар, кўрсатувлар, сериаллар, новеллаларда тилга олинаётган стилистик оғишлардан қутула олмаётганимиз жуда ачинарли. Бундай ҳолатлар баъзида идоравий хат-ҳужжатларда ҳам учраётганини мутлақо оқлаб бўлмайди, албатта. Бу танганинг кўзимизга яққол кўриниб турган томони, иккинчи томонида эса мана шу матнларни тайёрлайдиган ижрочилар ва уларни кўриб эълон қилишга рухсат берадиган масъул шахслар турибди. Энг ачинарлиси, улар ҳам жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок

этаётган, у ёки бу соҳада, давлат ёки нодавлат ташкилотларида ёки хусусий секторда фаолият юритаётган "ўқиган" инсонлар. Шу ва бошқа кузатишларимдан келиб чиқиб, ёзма нутқ, тўғри жумла тузиш, матн яратиш кўникмаси саёзлашиб бораётгани хусусидаги зиёлиларимизнинг хавотири ўринли, деб ўйлайман.

Қолаверса, узоқ йиллик бош муҳаррир сифатида, соҳалар ходимларининг газетага берадиган мақоласи ортида унинг саводи ва савиясини кўриб тураман. Мукаммал мақола ҳақида гапираётганим йўқ. Оддий, беҳато ёзиш нуктаи назаридан айтаяпман, холос. Ўзининг лавозим



мажбуриятлари ёки соҳасига оид ҳужжатларни, маълумотларни бошқача айтганда, бир энлик хатни тўғри ёзолмайдиган ходимлар ўша тизим ёки соҳани ривожлантиришга ҳисса қўша олмайди, албатта.

Кайовуснинг «Қобуснома»сида «Дабир (иш юритувчи) ва котиб бўлсанг, ёзма нутқни яхши эгаллагил, хатни яхши билгил ва кўп ёзмоқни одат қилгил, токи, яхшироқ, моҳир бўлгайсен», деб ёзади. Зеро, у даврда айниқса, дабирлик, котиблик, мирзолик, муншйилик, ҳаттотлик касблари эгалари ёзма нутқнинг имкониятларини пухта эгаллаган бўлишлари шарт бўлган. Хозир ҳам шундай.

НИМА УЧУН МАТНИМИЗ САЁЗ?

Бир тарихий манбада ўқигандим, Хожа Исмоил котибларга: «Ўзимнинг котиблгимда ҳар шанба кuni нуксон кўраман, бунинг сабаби шуки, ҳар жума кuni девонхонага келмайман, ҳеч нарсa ёзмайман», деган экан. Яъни, бир кун ёзмагани учун эртасига хато қилаётганини айтаяпти. Аммо айни вақтда ҳар кун ёзиш у ёқда турсин, ҳар кун ниманидир ўқийдиганлар қанчани ташкил этади?

Биламизки, кўз хотираси, ҳаракат хотираси деган тушунчалар бор. Яъни кўп ўқиш кўз хотирасини, кўп ёзиш ҳаракат хотирасини мустаҳкамлайди. Биз ёшлигимизда кундалик тутардик, кунимиз қандай ўтгани, нималар қилганимизни унга ёзиб борардик. Ота-оналаримиз, дўстларимиз, ўқитувчиларимизга байрамларда ўз қўлларимиз билан табриклар ёзардик. Улар ўқиганидаги хурсандчилигини кўриб қанчалик шодланардик.

Бугун эса Янги йилда қорбобо ёки арча, Наврўзда сумалак ёки кўклам,

бошқа байрамларда ҳам сурат – табриклар электрон айланади. Ҳаттоки, саломимиз, ташаккуримиз, севгимиз, хурсандчилигимиз, ғам–андўхимиз, йиғлаганимиз ва ҳоказо туйғуларимизни ҳам (смайлик) белгилар орқали ифода этамиз. Икки оғиз сўзни қалб кўримиздан чиқариб, ўз қўлимиз билан ёзишга вақтимиз йўқ гўё.

Ижтимоий тармоқларда, ҳатто ташкилотлар ва ҳокимликларнинг расмий сайтларида ҳам баъзида ахборотлар матндан кўра кўпроқ суратлар, сўзсиз видеороликлар, жадваллар, рақамлар, кўрсаткичлар каби турли шаклларда жойлаштириб борилади. Бу албатта, муайян қатлам

матнлар тузиш, ҳатто мураккаб масалаларни ечиш имконияти пайдо бўлган, бу борада улкан кашфиётлар яратилмоқда. Шундай бир пайтда ёзув, матн яратиш ҳақида гапириш майда мавзудай туюлар, лекин айни пайтда бу катта муаммо ҳамдир. Бу бизнинг онг-тафаккуримиз, борлиқни ҳис қилишимиз, шахсий, ижодий ривожланишимиз билан боғлиқ муаммо.

ЁЗУВ- ИНСОНИАТНИНГ ЭНГ ОЛИЙ КАШФИЁТИ

Ҳа, ёзув инсон тафаккурининг энг олий медаларидан бири ҳисобланади. Инсониятнинг неча асрлар давомида яратган кашфиёти бу. Ёзув пайдо бўлмасдан олдин одамлар шакллар, тасвирлар орқали фикрларини ёзма ифода этганларини тарихдан биламиз. Ёзув орқали биз аждодларимизнинг маънавий дурдоналаридан баҳраманд бўляпмиз. Ўзимиз яратган маънавий бойликларимизни келажак авлодларга қолдирыпмиз. Зеро, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний ва Навоийнинг асарлари ёзувда акс этгани учун ҳам бизгача етиб келган ва кейинги авлодларга ҳам қолади.

Тарихдан биламизки, аз-Замахшарийнинг араб тили грамматикасига оид «Ал-Муфасссал» (1121 йил) асари ўша даврнинг ўзидаёқ катта эътибор қозонган ва араб тилини ўрганишда асосий қўлланмалардан бири сифатида



кенг тарқалган. Кўпчилик олимлар ўз илмий қиммати жиҳатидан аз-Замахшарийнинг бу асари таникли араб тилшуноси Сибавайҳнинг араб грамматикасига оид китобидан кейин иккинчи ўринда туради, деб таъкидлаганлар. Биз шундай буюк алломаларнинг авлодимиз.

Бугун саводхонлик тушунчасини ҳар жаҳада қўллаяпмиз: ҳуқуқий саводхонлик, иқтисодий саводхонлик, молиявий саводхонлик, тиббий саводхонлик, компьютер саводхонлиги ва ҳоказо. Аммо уларнинг барчасининг асоси тил саводхонлигидир. Бу изоҳ талаб этилмайдиган ҳақиқат!

Маълумотларга қараганда, дунёда ўзбек тилида мулоқот қиладиганлар ва уни ўрганишга интилаётган инсонлар сафи тобора ортиб бормоқда.

Биз эса Ўзбекистон заминида тугилиб она тилимизнинг алласидан ором, ёр-ёридан бахт, дostonларидан қудрат топиб яшаяпмиз. Шундай экан, уни асраш, улуғлаш ва келажак авлодга софлигича қолдириш ҳар биримизнинг виждоний бурчимиздир.

Назира МАТЯҚУБОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

ХОРИЖ ПАРЛАМЕНТИ

ДАНИЯ СИЁСИЙ ҲАЁТИДА СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТЛАРНИНГ ЎРНИ



Дания — Шимолий Европадаги кичик, лекин демократик анъаналари ва ижтимоий адолат тизими билан дунёга машхур мамлакат. Яъни, у қироллик давлати бўлиб, расмий жиҳатдан конституциявий монархия ҳисобланади. Бироқ амалда ҳокимиятни қирол эмас, парламент бошқаради. Давлат бошлиғи — Глюксбурглар сулоласидан бўлган қирол Фредерик X. Маълумотларга кўра, у 2024 йил 14 январда онаси қиролича Маргрете II тахтдан воз кечганидан кейин тахтга ўтирган.

Парламент — халқ томонидан сайланган 179 нафар вакиллاردан иборат. Улар қонунларни қабул қилади, давлат бюджети ва солиқларни, мамлакатнинг ривожланиш йўналишларини белгилаб беради. Дания сиёсатининг ўзига хослиғи шундаки, деярли ҳеч бир партия мустақил равишда парламентда кўпчилик ўринни эгаллай олмайди. Демак, ҳамма нарса келишув ва муросага асосланган. Қонун қабул қилиш учун турли қарашдаги партиялар биргаликда ишлашга мажбур. Шу сабабли Дания сиёсати кўпинча тинч ва мантиқий муҳокамаларга асосланади.

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯ: УЛАР КИМ?

Социал-демократик партия (Socialdemokratiet) — Даниянинг энг қадимий ва энг кучли сиёсий партияларидан бири. У XIX аср охирида ишчилар ва оддий одамлар ўз ҳуқуқлари учун кураша бошлаган даврда пайдо бўлган. Вақт ўтиши билан бу партия Даниянинг бугунги ижтимоий давлат моделини шакллантирган асосий кучга айланди.

Уларнинг сиёсий қарашлари учта асосий тамойилга таянган:

- Ижтимоий химоя — соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ёрдам тизимлари ҳамма учун очиқ.
- Юқори солиқлар, аммо юқори ҳаёт сифати — одамлар кўпроқ солиқ тўлайди, лекин бунинг эвазига хавфсизлик ва ишончли давлатга эга бўлишади.
- Мослашувчан меҳнат бозори — иш берувчилар ишчини ёллаш ёки ишдан бўшатишда эркин, лекин давлат ишсиз қолган одамга ёрдам беради.

Айни ушбу жиҳатлари сабабли Дания дунёдаги энг фаровон мамлакатлардан бирига айланган.

2022 йилги сайловларда социал-демократлар яна энг катта партия сифатида ғалаба қозонди. Партия 971 995 сайловчи ёки 27,5 фоиз овозга эга бўлиб, энг кўп, яъни, 50 та депутатлик ўрнига эга партияга айланди. Таъкидлаганимиздек, Данияда бирон партия якка ҳокимлик қила олмайди. Шунинг учун социал-демократлар ҳам бошқа партиялар билан коалиция тузиб, келишувлар асосида иш олиб боришади. Дания социал-демократик партияси парламент сайловларидан кейин бир неча ҳафталик музокаралардан сўнг мамлакатдаги сўл қанот партиялари (Радикал Венстре, Социалистик Халқ партияси, Бирлашган рўйхат) билан

ҳукуматни шакллантириш тўғрисида келишувга эришди ва парламентда сўл қанот партиялар блоки 91 та мандатга эга бўлди. Уларнинг раҳбари Метте Фредериксен мамлакат Бош вазири бўлиб ишламоқда.

БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Партиянинг фаолиятига назар ташласак, ижтимоий сиёсат тизимида ташаббус ва ғоялари анча фаол. Хусусан, улар соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ёрдамни сақлаб қолишни ўз олдига мақсад қилган.

Партия бизнесни қўллаб-қувватлаш ва адолат ўртасида мувозанатни топишга ҳаракат қилади.

Шу билан бирга, Дания “яшил сиёсат”да дунёда етакчилардан бири сифатида эътироф этилади. Мақсад — 2030 йилгача зарарли чиқиндиларни 70 фоизга камайтириш ташаббусини ҳаётга татбиқ этишдир. Шу сабабли шамол электр станциялари ва экологик технологияларни ривожлантириш кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Миграция масалалари ҳам партиянинг эътиборидан четда қолмайди. Мисол учун, сўнгги йилларда партия бу масалада эҳтиёткор бўлиб қолди. Олдин очиклик тарафдори бўлган бўлса, энди айрим қоидаларни қатъийлаштиришга мажбур бўлди. Сабаби, кўплаб данияликлар иммиграция ва интеграция жараёнлари ҳақида хавотир билдирмоқда.

Социал-демократлар — оддий партия эмас, балки Дания сиёсатининг “таянчи”. Улар кўпинча муросага йўл очади. Қайсидир қонун қабул қилиниши керак бўлса, кўпинча муҳокама уларнинг атрафида айланади.

Шу ўринда оддий бир ҳаётий мисолни келтирсак. Тасаввур қилинг, сиз ўн нафар дўстингиз билан йиғилиб, каерга боришни ҳал қилмоқчисиз. Хар кимнинг фикри бошқача. Лекин энг обрўли дўстингиз фикр билдирса, кўпинча муҳокама унинг гапидан бошланади. Данияда социал-демократлар худди ўша обрўли дўстга ўхшайди: ҳамма нарсани ўзлари ҳал қила олмайди, лекин уларсиз ҳеч нарса ҳал бўлмайди.

ҒОЯ ВА МАФКУРА

Дания социал-демократик партияси ҳар бир инсонга ўз қобилятларидан фойдаланиш ва орзуларини рўёбга чиқариш учун эркинлик ва хавфсизликни таъминлашга ҳаракат қилади. Шунингдек, ижтимоий, диний ёки этник келиб чиқишдан қатъи назар, одамлар ижтимоий, экологик ва иқтисодий барқарорликка эга бўлган адолатли демократик жамиятда яшаш ҳамда фаол фуқаро бўлиш ҳуқуқи, имкониятларига эга бўлишини таъминлаш партиянинг асосий мақсади ҳисобланади.

Дания СДП ҳар бир вилоятда биттадан вилоят ташкилоти, ҳар бир туманда биттадан туман ташкилоти, шунингдек, ҳар бир коммунада биттадан бирлашмаларига эга. Олий органи - қурултой (Конгрессен), қурултойлар оралиғида - бош хайъат юқори орган ҳисобланади.

Партиянинг сайловолди дастуридаги асосий жиҳатларга тўхталадиган

бўлсак, муносиб иш ҳақи ва меҳнат шaroитларини, ҳар бир инсон иш билан банд бўлган жамиятни яратиш мақсадини илгари суради. Бунинг учун ишсизлик нафақаларини дастлабки уч ой давомида ойига максимал 23000 Дания кронига қўтариш орқали компенсация ва химоя тизимини ошириш ташаббуслари билан чиққан.

Ижтимоий демпингга қарши курашни кучайтириш, бунда, бошқа масалалар билан бир қаторда, хорижий меҳнат мигрантларига иш берувчилар томонидан яхши ва замонавий уй-жой шaroитларини таъминлашлари учун назорат механизмини яратиш ҳам дастурий мақсадларидан биридир. Шунингдек, иш ҳақини суғурталаш қоидаларини ўзгартириш ва ишсизлик суғуртаси бўйича бандликни таъминлашда фондларнинг ролини кучайтириш ҳам илгари сурилган.

Партия фаровонлик, ўсиш ва яшил иқтисодиётга ўтишнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида кўпроқ ёшларни касб-ҳунарга ўқитишни муҳим, деб ҳисоблайди. Бунинг учун профессионал таълимга ўқитиш тизимини қўллаб-қувватлаш, 2020 йил ноябрда қабул қилинган “Кўпроқ шоғирд ва аниқ масъулият” уч томонлама шартномаси орқали шоғирдлик имкониятини кенгайтириш, “Дания иқтисодиёти учун янги ислохотлар пакети” доирасида яшил иқтисодиётга асосланган янги мактаблар учун маблағлар ажратишни мақсад қилган.

Партия таълим сифатини ошириш тарафдори. Сўнгги йилларда гуманитар соҳа битирувчилари ўртасида ишсизлик кескин ошган. Охирги маълумотлар шунки кўрсатадики, битирувчиларнинг 25 фоиздан ортиғи олий таълимни битиргандан икки йил ўтиб ишсиз қолган. Бу меҳнат бозорини ўрганиш, талабаларни меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитиш заруратини билдиради. Бунинг учун, университет таълимини ислоҳ қилиш, ўқув соатлари сонини кўпайтириш, таълимда креатив ва кейсларга асосланган ўқув тизимини кучайтириш, магистратура бўйича ўринларнинг 50 фоизини меҳнат бозорига йўналтирилган аниқ ихтисосликка эга бўлган битирувчиларга тақсимлаш таклиф этилади.

Дания сиёсати — бу доимий мулоқот ва келишувларга асосланган. Парламент — юрак, социал-демократлар эса унинг асосий мотори.

УЛАРНИНГ ЎРНИ ҚҲЙИДАГИЧА:

- жамиятда ижтимоий адолат ва фаровонликни таъминлайди,
- мамлакатни “яшил келажак” сари етаклайди,
- миграция сиёсатида мувозанатни излайди,
- энг йирик сиёсий куч сифатида қўллаб қарорларни белгилаб беради.

Қисқа қилиб айтганда, социал-демократлар — Данияни бугунги фаровон давлат даражасига олиб келган ва унинг келажagini ҳам белгилаб бераётган партия.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, “Ўзбекистон ovozi” мухбири.

ДУНЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН TESLADAN ЯНГИЛИК



Tesla компанияси Robotaxi хизматини ногиронлиги бўлган фойдаланувчилар учун ҳам қулай қилиш устида ишламоқда. Тесла раҳбари Илон Маск ижтимоий тармоқдаги инвесторнинг эълонига жавобан ушбу йўналишдаги ишларни тасдиқлади.

Лойиҳанинг асосий мақсади — ногиронлар аравачасидан фойдаланадиган одамлар учун махсус мослаштирилган автомобиллар яратиш. Бу эса автоном такси хизматини янада инклюзив ва ҳаммага қулай қилади.

Инвестор Соййер Мерритт Robotaxi иловасидан олинган расмни улашиб, Tesla’нинг бундай транспорт устида ишлаётганини маълум қилди. Суратдаги Робован белгиси махсус транспорт воситалари — WAV (Wheelchair Accessible Vehicle)га ишора қилиши мумкинлиги қайд этилди.

Ногиронлар аравачаси фойдаланувчилари учун мослаштирилган Robotaxi хизматлари, одатда бошқа платформаларда учрайдиган муаммоларни камайтириши мумкин. Чунки бундай хизматларда ҳайдовчилар сони етишмаслиги, айниқса, чекка ҳудудларда тез-тез учрайди.

Tesla Robotaxi эса автоном бошқарув туфайли катта устунликка эга. У машина ҳайдай олмайдиган ёки транспорт топишда қийналадиган инсонлар учун янги имкониятлар яратади.

ХИТОЙДА РОБОТЛАР ОШПАЗЛИК ҚИЛИШИ МУМКИН

Robbyant R1 одамсимон роботи овқат тайёрлашдан тортиб музейда гид ёки дорихонада ёрдамчи бўлиб ишлашга қодир.



Хитойнинг Ant Group компанияси Берлинда бўлиб ўтган IFA 2025 кўргазмасида Robbyant R1 одамсимон роботини тақдим этди. Унинг вазифаси одамларга кундалик ишларда ёрдам бериш: овқат тайёрлашдан тортиб музейда гид ёки дорихонада ёрдамчи бўлиб ишлашгача.

Шундай қилиб, R1 ошхонада мураккаб ва одатий жараёнларни бажаришга қодир: масалликларни олиш, плита олдига ишлаш, овқат пишириш, таомларни дастурхонга тортиш. У бошдан охиригача нима қилиш кераклигини тушунади. Бу BaiLing сунъий интеллект тизими туфайли амалга оширилди.

Ишнинг аниқлиғи фазовий гидрок тизими билан таъминланади: R1 пичок, тахта ёки сабзавотларни фарқлайди ва иложи борича аниқ ҳаракат қилади. Компания вакилларининг сўзларига кўра, робот нафақат ресторанларда, балки соғлиқни сақлаш, туризм ва кексаларни парваришда ҳам қўлланилиши мумкин.

Ant Group компанияси Alibaba Group таркибига киради ва аллақачон европалик компаниялар билан ҳамкорлик қилишни кўриб чиқмоқда.

ТЎРТТА IPHONE МОДЕЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЎХТАТИЛДИ



iPhone 17 серияси чиққандан сўнг баъзи моделлар сотуви тўхтатилди.

Янги iPhone 17 смартфонлари тақдимотидан кейин Apple бир вақтнинг ўзида тўртта моделини, яъни, iPhone 15, iPhone 15 Plus, iPhone 16 Pro ва iPhone 16 Pro Max ишлаб чиқариш ва сотишни расман тўхтатди. Бу компания анъанавий сиёсатининг бир қисмидир.

Шунга қарамай, ушбу моделларнинг қолган захираларини ҳали ҳам учинчи томон чакана сотувчиларидан топиш мумкин. Эҳтимол, уларнинг нархи пасаяди. Қизиги шундаки, iPhone 17 серияси билан бирга компания Plus моделидан воз кечди - энди сотувда фақат iPhone 16 Plus қолди.

Янги смартфонлар сотувга эса 19 сентябрда чиқарилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси партия тафтиш комиссиясининг собиқ раиси, партиядан бир неча бор халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати **Даврон ДЖУРАЕВИН**нинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

МУАССИС:



O'zbekiston Ovozi

ТАНХРИР НАЙ’АТИ:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 937. 1603 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda